



“ТАСДИҚЛАНГАН”
“Микрокредитбанк”
акциядорлик-тижорат банки
Кузатув кенгаши мажлисининг
2021 йил “18” ноябрдаги
18-сонли баённомаси билан



“Микрокредитбанк”
акциядорлик-тижорат банкнинг
2022 йил учун

БИЗНЕС-РЕЖАСИ

Тошкент – 2021 йил

МУНДАРИЖА

КИРИШ

1. 2022 ЙИЛГИ БАНК СТРАТЕГИЯСИ

2. БАНКНИНГ 2022 ЙИЛДАГИ ТРАНСФОРМАЦИЯ ЖАРАЁНЛАРИ ВА АСОСИЙ РИВОЖЛАНИШ ЙЎНАЛИШЛАРИ

3. БАНКНИНГ 2022 ЙИЛДАГИ КРЕДИТЛАШ ФАОЛИЯТИ ЙЎНАЛИШЛАРИ

3.1. Тижорат ва инвестицион кредитлаш фаолияти

3.2. Давлат дастурлари ва ижтимоий дастурлар доирасидаги кредитлаш фаолияти

3.3. Кредит портфелининг сифати ва муаммоли кредитлар билан ишлаш

4. БАНК КАПИТАЛЛАШУВИНИ ОШИРИШ ВА РЕСУРС БАЗАСИНИ МУСТАҲКАМЛАШ

4.1. Банкнинг ресурс базасини мустаҳкамлаш

4.2. Халқаро валюта-кредит муносабатлари ва халқаро молия институтлари билан ҳамкорлик

4.3. Банк капиталини ошириш

5. ЧАКАНА БАНК ХИЗМАТЛАРИНИ РИВОЖЛАНТИРИШ

6. БАНКНИНГ 2022 ЙИЛДАГИ МОЛИЯВИЙ НАТИЖАЛАРИ ПРОГНОЗИ

7. БАНКНИНГ КАДРЛАР СИЁСАТИ

8. ЯКУНИЙ ҚОИДАЛАР

КИРИШ

Мазкур Бизнес режа **PricewaterhouseCoopers** билан ҳамкорликда ишлаб чиқилган ҳамда тасдиқланган Банкнинг 2022-2025 йилларда **ривожланиш стратегиясига** мувофиқ ишлаб чиқилган.

БАНК ХАҚИДА:

“Микрокредитбанк” акциядорлик-тижорат банки Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2006 йил 5 майдаги ПФ-3750-сонли Фармони асосида ташкил этилган.

Банк Ўзбекистон Республикаси Марказий банкининг банк операцияларини амалга ошириш учун 2009 йил 30 апрелдаги 37-сонли лицензиясига ҳамда валюта операцияларини ўтказиш учун Бош лицензиясига эга. Банкнинг устав капитали 2021 йил 1 октябр ҳолатига **2 200,4 млрд.** сўмни ташкил этади.

Банкнинг бош офиси Тошкент шаҳри, Лутфий кўчаси 14-уйда жойлашган ва Ўзбекистон Республикасининг барча ҳудудларида фаолият юритувчи жами **71 та** филиал, **24 та** мини банк ва **87 та** банк хизмати кўрсатиш марказлари тармоғига эга. Банк хизматлари оммабоплигини ошириш ва инфратузилмалари географиясини кенгайтириш мақсадида **120 та** ўз-ўзига хизмат кўрсатиш марказлари (24/7) ташкил этилган.

Банк Кузатув Кенгаши **9 та** аъзодан иборат бўлиб, шундан **6 та** банк акциядорларининг вакиллари ва **3 та** мустақил аъзо Кузатув Кенгаши таркибига киритилган. Банк Кузатув Кенгаши Акциядорлар Умумий йиғилиши томонидан сайланган бўлиб, чекланмаган миқдорда қайта сайланишлари мумкин.

Банк Бошқаруви банкнинг ижро этувчи органидир. У банкнинг жорий фаолиятини амалга оширади, Акциядорлар Умумий йиғилиши ва банк Кузатув Кенгаши қарорларини ижро этади. Банк Бошқаруви ҳар чоракда камида бир марта банкнинг молиявий ҳолати ҳақида ҳамда заруриятга кўра даврий равишда Кузатув Кенгашга ҳисобот бериб боради.

Банк Бошқаруви **7 та** аъзодан ташкил топган. Банк Бошқаруви Раиси Акциядорлар умумий йиғилиши томонидан бир йил муддатга тасдиқланади ҳамда қайта тасдиқланиши мумкин. Бошқарув Раиси ўринбосарлари ва Бошқарув аъзолари банк Кузатув Кенгаши томонидан тасдиқланади.

2022 ЙИЛГИ БАНК СТРАТЕГИЯСИ

PricewaterhouseCoopers билан ҳамкорликда ишлаб чиқилган Банкнинг 2022-2025 йилларда **ривожланиш стратегиясига** мувофиқ банк 2022 йилда қуйидаги асосий йўналишлар доирасида фаолият олиб боради:

1. **ACCION** ва **PricewaterhouseCoopers** билан ҳамкорликда ишлаган ҳолда, аввалги миссияси бўлган **Кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектлари фаолиятини молиявий қўллаб-қувватлаш**га қайтиш бўйича дастлабки қадамларни ташлайди.

2. Кичик бизнес субъектлари ва чакана миқозларни молиявий хизматлар орқали янада кенгроқ қамраб олиш, **“бозорга чиқиш”** амалиётини жорий қилиш ишлари бошланади, микро, кичик, ўрта бизнес субъектлари ва жисмоний шахсларга мўлжалланган кредит маҳсулотлари янгиланади, мавжудлари такомиллаштирилади.

3. Кичик бизнес субъектларига хизмат кўрсатиш борасидаги тўпланган тажрибага таянган ҳолда **микро, кичик ва ўрта бизнес** субъектлари, чакана миқозларга хизмат кўрсатувчи республикадаги етакчи банкка айланиш борасида 2022 йилга мўлжалланган вазифалар ижроси таъминланади.

4. **ACCION** компанияси билан ҳамкорликда молиявий хизматлар билан минимал қамраб олинган шахсларга микромолиявий хизматлар кўрсатувчи алоҳида **Микрокредит ташкилоти** ташкил этилади.

5. Ушбу микрокредит ташкилотини миқозларни молиялаштирувчи, уларнинг молиявий саводхонлигини оширувчи ва ривожланишини таъминловчи **“тадбиркорлар фабрикаси”**га айлантириш ишлари бошланади.

6. Банк миқозларга кредитлар ажратишда уларни сегментларга ажратган ҳолда (микро, кичик, ўрта ва корпоратив), асосий эътиборни микро, кичик ва ўрта бизнес субъектларига қаратади ва уларга ажратилган кредитларнинг портфелдаги улуши ошириб боралади.

7. Давлат дастурлари, оилавий тадбиркорлик дастурлари доирасида кредитлар ажратиш амалиётлари давом эттирилади, бунда миқозга йўналтирилган иш тизимини такомиллаштирилади, **“маҳаллабай” ишлаш** асосида фаолият олиб борилади.

8. Банк ўз олдида қўйилган мақсадларга эришиш, белгиланган прогноз кўрсаткичлари ижросини таъминлаш мақсадида корпоратив бошқарув, ташкилий ва назорат тизимлари самарадорлигини янада ошириб боради.

БАНКНИНГ 2022 ЙИЛДАГИ ТРАНСФОРМАЦИЯ ЖАРАЁНЛАРИ ВА АСОСИЙ РИВОЖЛАНИШ ЙЎНАЛИШЛАРИ

1. PWC диагностикаси асосида аниқланган банкдаги муаммоларни бартараф этиш, хусусан улар таклифи асосида **31 та лойиҳаларни** амалга ошириш ишлари олиб борилади. Хусусан, бугунги кунда ишлар бошланган:

- Банкнинг янги кўринишдаги **мобил иловаси ва рақамли экотизими** яратилади;

- Мижозлар ва ҳамкорларга банк ҳақида, банк томонидан кўрсатиладиган хизматлар ва маҳсулотлар тўғрисида маълумотларни тез етказишни таъминловчи **расмий веб сайт** янгиланади;

- **PricewaterhouseCoopers** компанияси тавсияси асосида банкнинг **ташкилий структураси** янгиланади;

- Банкнинг миқозлар билан муносабатларни бошқариш-**CRM тизими** тўлиқ ишга туширилади;

- Мижозлар билан мулоқотдаги шаффофликни янада ошириш мақсадида янги кўринишдаги **“Contact”** маркази ишга туширилади;

- Мижозларнинг кредитга лаёқатлилигини баҳолаш бўйича ишлаб чиқилган **скоринг тизими** ва **рискларни бошқариш** тизими такомиллаштирилади, натижада кредит конвейери янада такомиллаштирилади ҳамда кредит рисклари камайтирилади.

2. Республиканинг барча ҳудудларини банк хизматлари билан қамраб олиш мақсадида қўшимча **15 та** банк хизматлари **марказлари** ташкил этилади;

3. Инсон ресурслари самарали бошқарувини ташкил этиш тизими-**HRни** жорий қилиш ишлари бошланади;

4. Юқори турувчи ташкилотлар ва банк Бошқарувига тақдим этилаётган ҳар қандай ҳисоботларни автомат шакллантириш ишлари амалга оширилади ва **ҳисоботлар тўлиқ автоматлаштирилади**;

5. Молиявий ҳисоботларнинг халқаро стандартлари (**IFRS**) бўйича малакали ходимлар сони **10 нафарга** етказилади;

6. Савдо агентлари орқали (**POS banking**) банк хизматларини сотиш ривожлантирилади, кредитлаш, банк карталари, омонатлар, халқаро пул ўтказмалари автоматлаштирилади (ELMA, BPM).

7. Банк акцияларини маҳаллий фонд биржаси орқали бирламчи оммавий жойлаштириш-**IPO**га тайёргарлик кўриш ишлари олиб борилади (*“IPO” ташкилотчисини (андеррайтерни) танлаш ва шартнома тузиш, “IPO” учун тижорат ва хизмат ҳақи бўйича шартларни келишган ҳолда брокерлар ва бошқа маслаҳатчиларни аниқлаш ва жалб қилиш, қўшимча акциялар чиқариш тўғрисида қарор қабул қилиш ва эмиссия шартларини белгилаш ва бошқалар*).

БАНКНИНГ 2022 ЙИЛДАГИ КРЕДИТЛАШ ФАОЛИЯТИ ЙЎНАЛИШЛАРИ

Тижорат ва инвестицион кредитлаш фаолияти

Банк томонидан **2022 йилда** банк рентабеллигини оширишда муҳим рол тутган чакана ва бошқа тижорат кредитларининг ажратилишига алоҳида эътибор қаратилади.

Хусусан **2022 йилда**:

- **1 500 млрд.** сўм миқдорида жисмоний шахслар учун **чакана кредитлари** (*автокредит, ипотека, истеъмол, микроқарз ва бошқалар*);
- **Микро ва кичик бизнес** субъектлари учун айланма маблағларни тўлдириш ва бошқа мақсадлар учун **2 200 млрд.** сўмлик **тижорат кредитлари**;
- **Ўрта бизнес** субъектлари инвестицион лойиҳаларни молиялаштиришга **1 566 млрд.** сўм миқдорида хорижий ва миллий валютада **инвестицион кредитлар** ажратилади.

Банк кредит портфелида гаров билан таъминланган кредит салмоғи етарлича юқори бўлишига қарамасдан, портфел сифатини ошириш мақсадида, 2022 йилда банк томонидан кредит таъминотининг сифатига, уларнинг реал бозор нархига алоҳида эътибор берилади. Бунда кредит таъминоти сифатида кафолат ва кафилликларни камайтирган ҳолда, ликвид мулк гаровининг салмоғи оширилади.

Давлат ва ижтимоий дастурлар доирасидаги кредитлаш фаолияти

Банк **2022 йилда** Хукуматнинг тегишли Қарорлари доирасида аҳоли ва тадбиркорлик субъектларига кредитлар ажратиш фаолиятини давом эттиради.

Хусусан, **2022 йилда Оилавий тадбиркорлик** ва бошқа ижтимоий йўналишларда **2 500 млрд.** сўм миқдорида кредитлар ажратилади ҳамда **100 мингга** яқин янги иш ўринлари яратилади;


Бунда, янги ташкил этилган **хоким ёрдамчилари** билан ҳамкорликда “**маҳаллабай**” ишлаш тизими асосида лойиҳалар молиялаштирилади.

Худудларни **ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш** дастурлари бўйича **184 та** лойиҳаларга **1,5 трлн. сўм** кредит маблағлари ажратилади ва **4 382 та** иш ўринлари яратилади, бунда **Green-banking** тизими асосида энергия тежамкор ва атроф муҳитга кам зарар етказувчи лойиҳаларни устувор равишда молиялаштиришга алоҳида эътибор қаратилади.


Бундан ташқари, **Паррандачилик** корхоналарининг айланма маблағларини тўлдириш ва мавжуд қувватларини ошириш мақсадида **544 млрд. сўм** кредит маблағлари ажратилади.

Олиб борилган ушбу ишлар натижасида, **2022 йил** охирида банк активлари **15,7 трлн. сўм**, шундан банк кредит портфели **12,7 трлн. сўм**ни ташкил этиши кутилмоқда.

Банк активлари ўсиши, млрд. сўм



Кредит портфел (нетто) ўсиши, млрд. сўм



Кредит портфелининг сифати ва муаммоли кредитлар билан ишлаш

Банкнинг **2022 йилга** мўлжалланган **Кредит сиёсатида** муаммоли кредитлар билан ишлаш тартиби белгиланади. Кредит сиёсатининг бош мақсадларидан бири кредитлар бўйича таваккалчиликни камайтиришга қаратилади.

Банк кредит портфелида муаммоли кредитларнинг юзага келиш эҳтимолининг юқори меъёри белгиланади, **риск аппетити** ва **лимит сиёсати** такомиллаштирилади.

Кредит портфелини соғломлаштириш тадбирлари амалга оширилади. Юзага келиши аниқланган ҳар бир муаммоли кредитни ундириш бўйича алоҳида чора-тадбирлар амалга оширилади.

Банкда **2022 йилда** кредитлар бўйича эҳтимолий йўқотишларга қарши кўшимча захира яратиш учун **323 млрд. сўм** маблағ ажратилади.

Натижада банк кредит портфели таркибида ҳаракатсиз кредитлар (**NPL**) улуши ҳозирги **6,5 фоиздан 5 фоизга** туширилади.

БАНК КАПИТАЛЛАШУВИНИ ОШИРИШ ВА РЕСУРС БАЗАСИНИ МУСТАҲКАМЛАШ


Банкнинг ресурс базасини мустаҳкамлаш

Банкда ресурсларни бошқариш сиёсати, биринчи навбатда ресурс базасини мустаҳкамлаш орқали ўз мижозларининг банк кредитларига бўлган эҳтиёжини қондириш, банкнинг инвестицион фаолиятини молиялаштириш ва кейинчалик бўш ресурс маблағларини молия бозорида жойлаштиришга, банкнинг доимий ликвидлигини таъминлашга қаратилган ҳолда давом эттирилади.




2022 йилда банкнинг жами депозитлари қолдиғини **849,5** млрд. сўмга ошириб, **3 818,1** млрд. сўмга етказиш, жумладан жами депозитлар таркибида муддатли депозитлар ҳажми **630** млрд. сўмга оширилиб, **2 982** млрд. сўмга етказилади.

Жами депозитлар ўсиши, млрд. сўм



Бундан ташқари, аҳолидан қўшимча равишда **213,0 млрд. сўм** миқдорда омонатлар жалб қилиниб, аҳолининг банкдаги маблағлари миқдори **972 млрд. сўмга** етказилади.

Аҳоли омонатлари ўсиши, млрд. сўм



Банк томонидан **2022 йилда** чакана ва корпоратив молия бозорларидан ресурсларни жалб қилиш бўйича қуйидаги вазифалар белгиланади:

- аҳоли омонатлари ҳажмини **1,3 баробарга** ошириш бўйича комплекс чора-тадбирларни амалга ошириш, жумладан, янги, жозибадор омонат турларини жорий этиш, жисмоний шахслар учун миллий ва халқаро пластик карточкалар эмиссиясини кўпайтириш, истеъмол ҳамда автокредитлари таъминоти сифатида аҳолининг нақд пулдаги депозит маблағларини қабул қилиш;

- юридик шахсларнинг банкдаги депозитлари ҳажмини, жумладан муддатли депозитлар қолдиғини **1,3 баробарга** ошириш, хизмат кўрсатиш

тизимининг мижозларга йўналтирилганлигини ошириш доирасида, қулай хизмат кўрсатиш шароитларини яратишга алоҳида эътибор қаратиш;

- янги мижозларни, айниқса корпоратив мижозларни жалб этиш, бунда, талаб қилиб олингунча депозит ҳисобрақамларида узоқ муддатли йирик миқдорда маблағлар қолдиғига эга мижозларга кўшимча қулайликлар ва имтиёзлар жорий этиш.

Ҳалқаро валюта-кредит муносабатлари ва халқаро молия институтлари билан ҳамкорлик

Банк томонидан халқаро молиявий институтлар, вакил банклар, инвестицион банклар билан ҳамкорлик қилиш, кичик бизнес субъектларига ишлаб чиқариш ва хизматни ташкил этиш ҳамда ривожлантиришни молиялаш учун тўғридан-тўғри кредит линияларини жалб этиш бўйича ишлар олиб борилади.

Банк ўз мижозларига хорижий ишлаб чиқарувчилардан замонавий техника ва технологиялар сотиб олишга ҳамда мижозлар томонидан ишлаб чиқарилаётган маҳсулотларни чет эл бозорларига олиб чиқишга ҳар томонлама, жумладан, сотувчи ва харидорлар ўртасида музокараларни ташкил этиш, шартномаларни молиялаштириш, банк кафолатлари бериш, халқаро ҳисоб-китоблар бўйича маслаҳатлар бериш ва ҳисоб-китобларни амалга ошириш бўйича фаолиятини ривожлантиради.

Шунингдек, **2022 йилда** банк ўз мижозларининг лойиҳаларини молиялаштириш учун бир нечта кредит линияларини бевосита жалб қилиш бўйича комплекс тадбирларни амалга оширади.

Хусусан, **2022 йилда** кичик бизнес лойиҳалари учун жами **150,2 млн. АҚШ** доллари, шундан Давлат кафолати остида **75,2 млн. доллар**, давлат кафолатисиз **75,0 млн. доллар** миқдорида маблағлар жалб этилади. Хусусан:

- Францияни ривожлантириш агентлиги (**ФАР**) нинг қишлоқ хўжалиги корхоналарини қўллаб-қувватлаш дастури доирасида **27 млн. АҚШ** доллари;
- Европа Инвестицион банкнинг пандемия даврида жабр кўрган кичик ва ўрта бизнес корхоналари фаолиятини қўллаб қувватлаш дастури доирасида **35 млн. АҚШ** доллари;
- Европа Инвестицион банкнинг саноат корхоналарида энергия самарадорлигини ошириш дастури доирасида **5 млн. Евро**;
- Софкомбанк (Россия)нинг савдони молиялаштириш дастури доирасида **10 млн. АҚШ** доллари;
- Белгиянинг Инкофин банкнинг кичик бизнесни ривожлантириш дастури доирасида **10 млн. АҚШ** доллари;

- тижорат кредитлари доирасида Россиянинг Транскапиталбанкидан **5 млн.** АҚШ доллари ва Россельхозбанкдан **10 млн.** АҚШ доллари ва бошқалар.

Банк капиталини ошириш

2021 йил давомида банк капитални **580,9 млрд.** сўмга ёки **33,4 фоизга** оширилиб, **2 319 млрд.** сўмга етказилди.

Банкнинг жами капиталини **2022 йилда 3 781 млрд.** сўмга етказиш режалаштирилган бўлиб, мазкур маблағлар банк устав капиталини (давлат дастурлари доирасида Тикланиш ва тараққиёт жамғармасининг мақсадли маблағларининг банк устав капиталига ўтказилиши ҳисобидан) **1 300 млрд.** сўмга ҳамда тақсимланмаган фойда ҳисбидан **158,2 млрд.** сўмга ошириш кўзда тутилган.

Банк капиталининг ўсиши, млрд. сўм



ЧАКАНА БАНК ХИЗМАТЛАРИНИ РИВОЖЛАНТИРИШ

Банк стратегиясининг асосий мақсадларидан бири бўлган аҳолига чакана банк хизматларини кўрсатиш ҳажмини ошириш бўйича аниқ вазифалар амалга оширилади. Хусусан, 2022 йилда:

- Қўшимча равишда **15 та** янги банк хизматлари **марказлари** ташкил этиш ҳисобига уларнинг сони **115 тага** етказилади;
- **Венгрия давлатидан** олиб келинаётган қўшимча **300 та** банкоматлар чекка ҳудудларга жойлаштирилади;
- Чакана банк хизматлари (банкоматлар, ВАШ, Халқаро пул ўтказмалари, П2П, Мунис ва бошқа хизматлар) орқали **2022 йилда** жами **94 млрд.** сўм миқдорида даромад олинади;
- жисмоний шахслар учун **1 500 млрд.** сўм миқдорида **чакана кредитлар** (автокредит, ипотека, истеъмол, микроқарз ва бошқалар) ажратилади;

- жисмоний шахслар учун янги турдаги истеъмол, овердрафт ва автокредитлар, микроқарзлар, жозибадор янги омонатлари жорий этилади;
- аҳолидан кўшимча равишда **213,1 млрд.** сўм миқдорида омонатлар жалб қилиниб, аҳолининг банкдаги маблағлари миқдори **972,3 млрд.** сўмга етказилади.

БАНКНИНГ 2022 ЙИЛДАГИ МОЛИЯВИЙ НАТИЖАЛАРИ ПРОГНОЗИ

Банк фаолияти самарадорлигининг асосий кўрсаткичлари даромадлилик, фойдалилик (рентабеллик) кўрсаткичлари ҳисобланади.

Банк фаолияти самарадорлигини янада ошириш мақсадида, барча филиаллар учун амал қилиниши лозим бўлган молиявий индикаторлар тизими, рентабеллик кўрсаткичларининг энг қуйи меъёрлари белгиланади.

Банкнинг ишлаб чиқилган даромадлар ва харажатлар сметасига мувофиқ, **2022 йилда** банк томонидан жами **3 165,7 млрд.** сўм миқдорида даромад олиш, **3 007,2** млрд. сўм миқдорида харажатларни амалга ошириш белгиланган.

Шундан, даромадлар таркиби:

- *Кредтлар бўйича фоизли даромадлар – 1 751 млрд. сўм;*
- *Бошқа фоизли даромадлар – 848 млрд. сўм;*
- *Юридик шахслар пул ўтказмалари бўйича фоизсиз даромадлар - 52 млрд. сўм;*
- *Чакана хизматлар бўйича фоизсиз даромадлар - 95 млрд. сўм;*
- *Хорижий валюта операциялари бўйича фоизсиз даромадлар - 185 млрд. сўм;*
- *Бошқа фоизсиз даромадлар - 234 млрд. сўм;*

Шунингдек, харажатлар таркиби:

- *Фоизли харажатлар – 1 686 млрд. сўм;*
- *Фоизсиз харажатлар – 226 млрд. сўм;*
- *Операцион харажатлар – 731 млрд. сўм;*
- *Заҳира харажатлари – 323 млрд. сўм;*
- *Фойда солиғи – 40 млрд. сўм.*

Натижада **2022 йил** якунлари бўйича соф фойда **158,5 млрд.** сўм миқдорида бўлиши кутилмоқда.

Шунингдек, **2022 йилда** активлар рентабеллиги **1,11 фоизни**, капитал рентабеллиги **4,19 фоизни** ташкил этиши режалаштирилган.

БАНКНИНГ КАДРЛАР СИЁСАТИ

Банк тизимида устуворлик ёш мутахассисларга, уларнинг шахсий ва касбий сифатларини ривожлантиришга қаратилади.

2022 йилда Кадрлар сиёсатининг вазифалари - юқори натижаларга эришиш учун ўз ходимлари меҳнатини қулай ташкил этиш, ходимлар ўзларини шахс сифатида, олға интилувчи ҳаракат ташаббускори сифатида англаши, хизмат қилувчи ходим онгини миждозга, фойдага қаратиш, бефарқ ижрочини бартараф этиш, ахлоқ-одобни унутмаган ҳолда соғлом иқтисодий мазмунга асосланган ижтимоий меъёрларга ўтишни таъминлашдир.

Инсон ресурслари **(HR)** самарали бошқарувини ташкил этиш мақсадида банкнинг ўқув маркази базасида ходимларни қайта тайёрлаш режасини ишлаб чиқиш, режа асосида уларни банк ишидаги долзарб мавзулар бўйича маҳаллий ва хорижий ўқув марказлари билан шартнома тузган ҳолда ўқитишни ташкиллаштириш, турли тренинглар ўтказиш белгиланган.

Бундан ташқари, ходимлар меҳнатини муносиб баҳолаш ва рағбатлантиришнинг замонавий тизими **KPI тизими** ишга туширилади.

Банкка юқори малакали ходимларни жалб қилиш ҳамда кадрлар кўнимсизлик даражасини минималлаштириш мақсадида банкнинг касаба уюшмаси кўмагида ходимлар учун кўшимча қулайликлар ва шарт шароитлар яратиш жараёни такомиллаштирилади.

Кредитлашда хатарларни аниқлаш, баҳолаш ва уларни камайтириш бўйича тегишли таклифлар бериш учун етарли малака ва билимга эга бўлган риск-менежерларни ишга қабул қилиш, ушбу ходимларга хорижий тажрибаларни ўргатиш, уларнинг малакасини ошириш ва банкда риск-менежменти бўйича масъул ходимларни тайёрлаш ишлари олиб борилади.

Бундан ташқари, кадрларга бўлган талабни олдиндан ўрганган ҳолда иқтисодий йўналишдаги мутахассисларни тайёрлайдиган барча олий ўқув юртлари, Президент ҳузуридаги Давлат бошқаруви академияси ва Банк-молия академиялари билан муносабатларни кенгайтириш, мутахассисларни банк тизимида тажриба алмашишларига шароит яратилади.

ЯКУНИЙ ҚОИДАЛАР

Банк Бошқаруви **ҳар чоракда** Бизнес режанинг бажарилишини кўриб чиқади ва натижалардан келиб чиққан ҳолда кўшимча чора-тадбирларни белгилайди. Бизнес режа параметрларининг ижроси ҳолати банк Бошқаруви томонидан банкнинг таркибий бўлинмалари раҳбарларига нисбатан тегишли чоралар кўриш ёки кўшимча рағбатлантиришга асос бўлади.

Банкда амалга оширилаётган трансформация жараёнларини ва **PricewaterhouseCoopers (PwC)** халқаро консултантлари билан ишлаб чиқилган банкнинг **2021-2025 йилларга** мўлжалланган бизнес **стратегиясини**

амалга оширишни инобатга олган ҳолда мазкур бизнес режада қайд этилган даромадлар, харажатлар ва соф фойда миқдори ўзгариши эҳтимоли мавжуд.

Банк Кузатув Кенгаши **2022 йил** давомида банкка юклатилган вазифаларнинг ижроси нуктаи назаридан Бошқарув ташаббуси билан ёки мустақил равишда, Акциядорларнинг умумий йиғилиши чақирилгунга қадар режага қисман ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш ҳуқуқига эга. Бунда киритилган ўзгартиришлар режанинг туб моҳиятини ўзгартирмаслиги лозим. Киритилган ўзгартиришлар ва уларнинг ижроси бўйича Акциядорларнинг навбатдаги Умумий йиғилишида ҳисобот берилади.

Мазкур бизнес режага асосий кўрсаткичлар прогнозлари илова қилинади.

Бошқарув раиси

О. Бугаев

(Сулэймонов)

(Алимов)

(Бекмуратов)

(Мусяев)

(Рахимова)

(Музинов)

(Мадунов)

(Мадунов)

"Микрокредитбанк" акциядорлик-гизорат банкнинг 2022 йилда ресурс базасини шакллантириш режаси бажарилиши

(млн.сўм)

Ресурслар номи	2021 йил Режаси		01.01.2022 ҳолатига қўйилган		2022 йил режаси, шу жумладан:					01.01.2022 қўйилган 2021 режасига нисбатан		2022 режаси 01.01.2022 қўйилганга нисбатан		
	2	3	4	5	6	7	8	9	10	11	сўм	%	сўм	%
1														
Микроларнинг депозитлари:	2 968 666	2 970 333	3 221 796	3 438 806	3 620 527	3 818 128	1 666	100%	8 479 5	11			8 479 5	129%
1. Талаб қилиб олинган сакланадиган депозитлар	617 011	617 357	643 191	728 078	783 765	836 028	346	100%	2 186 71	135%			2 186 71	135%
- жисмоний шахслар	194 026	194 135	210 208	249 437	271 653	294 003	109	100%	99 868	151%			99 868	151%
- юридик шахслар	422 985	423 222	432 983	478 641	512 111	542 025	237	100%	118 803	128%			118 803	128%
2. Муддатли депозитлар	2 351 656	2 352 976	2 578 605	2 710 728	2 836 762	2 982 099	1 320	100%	6 291 24	127%			6 291 24	127%
- жисмоний шахслар	565 209	565 527	615 351	630 860	651 659	678 251	317	100%	1 121 725	120%			1 121 725	120%
- юридик шахслар	1 786 446	1 787 449	1 963 255	2 079 868	2 185 103	2 303 848	1 003	100%	5 169 399	129%			5 169 399	129%
Бошқа банкларнинг депозитлари	1 393 810	1 394 593	1 403 410	1 410 758	1 412 228	1 424 976	782	100%	3 038 3	102%			3 038 3	102%
Бошқа кредит ва қарзлар	6 202 162	6 205 644	5 098 394	5 725 075	6 367 912	6 373 873	3 481	100%	1 682 229	103%			1 682 229	103%
1. Ҳулавилли лозим бўлган кредитлар	6 182 562	6 186 033	5 098 394	5 644 675	6 287 512	6 293 473	3 470	100%	1 071 440	102%			1 071 440	102%
2. Облигациялар ва депозит сертификатлари	19 600	19 611	0	80 400	80 400	80 400	11	100%	60 789	410%			60 789	410%
Бошқа мажбурийлар, жумладан,	177 698	177 798	166 621	169 706	172 434	175 903	100	100%	- 1 895	99%			- 1 895	99%
- Ҳулавилли лозим бўлган ҳисобланган фондлар	92 123	92 175	87 057	86 382	85 712	85 048	52	100%	- 7 127	92%			- 7 127	92%
- бошқа мажбурийлар	85 575	85 623	79 565	83 324	86 722	90 855	48	100%	5 232	106%			5 232	106%
Жами мажбурийлар	10 742 337	10 748 367	9 890 222	10 744 345	11 573 101	11 792 879	6 030	100%	1 044 512	110%			1 044 512	110%
Капитал:	2 322 873	2 335 592	3 636 331	3 670 152	3 718 652	3 781 008	12 719	101%	1 445 416	162%			1 445 416	162%
1. Устав капитал	2 200 368	2 201 604	3 500 368	3 500 368	3 500 368	3 500 368	1 235	100%	1 298 765	159%			1 298 765	159%
2. Қўшимча капитал	0	0	0	0	0	0	0	0%	0	0%			0	0%
3. Заҳира капитал	81 828	81 874	81 828	81 828	81 828	81 828	46	100%	- 46	100%			- 46	100%
4. Тақсимланмаган фойда, жами	40 676	52 114	54 134	87 935	136 455	198 811	11 438	128%	146 697	381%			146 697	381%
жумладан:														
- Утган йиллар бўйича тақсимланмаган фойда	3 671	3 673	40 292	40 292	40 292	40 292	2	100%	36 619	1097%			36 619	1097%
- жорий соф фойда	37 005	37 559	13 842	47 663	96 163	158 519	554	101%	120 960	422%			120 960	422%
Жами	13 065 210	13 072 881	13 526 552	14 414 497	15 291 753	15 573 887	7 671	100%	2 501 006	119%			2 501 006	119%

"Микрокредитбанк" акциядорлик-тижорат банкнинг 2022 йилда ресурсларини жойлаштириш режаси bajarilishi

(млн.сўм)

Активлар номи	2021 йил режаси		01.01.2022 ҳолатига қўйилган		2022 йил режаси, шу жумладан:						01.01.2022 қўйилган 2022 режасига nisbatan		2022 режаси 01.01.2022 қўйилганга nisbatan	
	2	3	4	5	6	7	8	9	%	сўм	%	сўм	%	
	1 чорак	1 ярим йиллик	9 ойлик	йиллик	1 чорак	1 ярим йиллик	9 ойлик	йиллик	сўм	%	сўм	%		
1														
1. Кассалдаги нақд пуллар ва МБдаги пул маблағлари:	631 571	694 571	662 131	715 089	792 672	803 676	63 000	110%	109 104	116%	10	11		
1.1. Кассалдаги нақд пул ва бошқа пулов ҳужжатлари)	340 077	340 077	329 009	389 425	452 019	468 898	0	100%	128 821	138%				
1.2. Марказий банкдаги вақиллик ҳисобварағи, Ностро, Воетро	263 477	326 477	309 336	297 904	308 895	302 525	63 000	124%	-23 952	93%				
1.3. Марказий банкдаги мажбурий захира ҳисобварағи	28 018	28 018	23 786	27 760	31 758	32 253	0	100%	4 235	115%				
2. Бошқа банклардаги маблағлар (жами):	568 307	568 307	616 572	640 830	657 830	609 163	0	100%	40 856	107%				
3. Қўмағатли қозғалар портфели (нетто):	508 107	508 107	508 107	545 107	545 107	545 107	0	100%	37 000	107%				
3.1. Давлат облигациялари	197 391	508 000	508 000	545 000	545 000	545 000	0	0%	37 000	107%				
3.2. РЕПО битимлари бўйича сотиб олинган қимматли қозғалар	508 107	508 107	0	0	0	0	0	0%	-508 107	0%				
3.4. Қарам хўжалик жамиятларига, қўшма корхоналарга ва шўба хўжалик жамиятларига қилинган инвестициялар	0	0	0	0	0	0	0	0%	0	0%				
3.3. Сотилган мулкдорлик қимматли қозғаларига қилинган инвестициялар	107	107	107	107	107	107	0	100%	0	100%				
4. Бошқа инвестициялар	0	0	0	0	0	0	0	0%	0	0%				
5. Кредитлар (нетто):	10 534 330	10 384 330	10 786 938	11 634 181	12 402 815	12 649 134	-150 000	99%	2 264 804	122%				
5.1. Жами кредит қолдиги (брутто)	10 754 563	10 604 563	11 094 065	12 027 904	12 877 726	13 192 583	-150 000	99%	2 588 021	124%				
5.1.1. Мишлий валютада	6 880 829	6 784 858	7 103 727	7 931 338	8 676 507	9 009 420	-95 971	99%	2 224 561	133%				
5.1.2. Хорижий валютада	3 873 733	3 819 704	3 990 338	4 096 566	4 201 219	4 183 164	-54 029	99%	363 459	110%				
5.1.3. Кредитлар ва лизинглар бўйича яратилган захира	220 233	220 233	307 126	393 724	474 911	543 450	0	100%	323 217	247%				
6. Асосий воситалар	223 380	243 380	266 624	308 332	418 279	508 666	20 000	109%	265 286	209%				
7. Кредитлар ва лизинглар бўйича баланста олинган мулклар нетто	0	52 764	4 558	0	0	0	52 764	0%	-52 764	0%				
10. Бошқа активлар, жумладан:	569 750	621 422	681 622	570 960	475 050	458 142	51 672	109%	-163 280	74%				
10.1. ҳисобланган фондлар	354 248	405 582	368 098	330 276	292 453	254 631	51 334	114%	-150 951	63%				
10.2. бошқа активлар	215 502	215 840	313 524	240 684	182 597	203 512	338	100%	-12 329	94%				
Жами	13 065 210	13 072 881	13 526 552	14 414 497	15 291 753	15 573 887	7 672	100%	2 501 006	119%				

"Микрокредитбанк" акциядорлик-гужорат банкнинг 2022 йил учун даромадлар ва харажатлар сметаси бажарилиши

(млн.сум)

№№	Даромад ва харажат бандлари	2021 йил режаси				2022 йил режаси, шун жумладан:				01.01.2022 кутулаётган 2021 режасига нисбатан		2022 режаси 01.01.2022 кутулаётганга нисбатан	
		2021 йил режаси	01.01.2022 ҳолатига кутулаётган	1-чорак	1-ярим йиллик	9 ойлик	Йиллик	сўм	%	сўм	%	сўм	%
I	2	3	4	5	6	7	8	9	10	11	12		
I.1.	Даромадлар	2 665 216	2 665 954	705 083	1 471 931	2 307 953	3 165 703	738	100%	499 749	119%		
I.1.1.	Фондиз даромадлар:	2 120 181	2 120 919	573 589	1 195 604	1 886 077	2 600 019	738	100%	479 099	123%		
I.1.2.	Фондиз даромадлар:	545 035	545 035	131 494	276 326	421 875	565 684	0	100%	20 649	104%		
II	ЖАМИ ДАРОМАДЛАР	2 665 216	2 665 954	705 083	1 471 931	2 307 953	3 165 703	738	100%	499 749	119%		
2.1.	Фондиз харажатлар	1 553 249	1 553 249	372 599	771 642	1 222 627	1 686 762	1 347 718	756%	133 513	109%		
2.2.	Фондиз харажатлар	205 531	205 531	55 851	112 180	168 999	226 325	-263 027	44%	20 795	110%		
2.3.	Операция харажатлар, жумладан:	468 558	468 558	178 052	358 314	544 394	731 250	157 957	151%	262 691	156%		
2.3.1.	Банк хизматчиларининг иш хақи ва улар учун қилинган харажатлар	310 601	309 495	97 609	197 427	303 064	409 676	-1 106	0%	100 181	132%		
2.3.1.(1)	Чет эл мутахассислари маоши	1 738	1 720	375	750	1 125	1 500	-17	0%	-220	87%		
2.3.1.(2)	Кузатув кенгаши аъзолари ҳақи	1 042	1 032	608	1 215	1 823	2 430	-10	0%	1 398	236%		
2.3.1.(3)	Бошқарув аъзолари маоши	1 620	1 604	682	1 364	2 046	2 728	-16	0%	1 125	170%		
2.3.1.(4)	Байрам ва массумий мукофот пуллари	36 961	36 592	11 995	23 990	35 985	47 980	-370	0%	11 388	131%		
2.3.1.(5)	Йиллик мукофот (13-маош)	0	0	0	0	11 200	26 800	0	0%	26 800	0%		
2.3.1.(6)	Қолган ишчилар маоши (оқлад, набавка, одлик мукофот)	269 240	268 548	83 949	170 108	250 886	339 438	-692	0%	70 890	126%		
2.3.2.	Репрезентация ва хайрия	11 014	10 904	1 000	2 000	3 000	3 800	-110	99%	-7 104	35%		
2.3.3.	Бошқа операция харажатлар:	144 019	144 019	79 443	158 887	238 330	317 773	0	100%	173 754	221%		
2.3.3.(1)	Ижара ва таъминот харажатлари	53 200	53 200	17 942	35 884	53 826	71 769	0	100%	18 569	135%		
2.3.3.(2)	Хизмат сафари ва транспорт харажатлари	6 825	6 825	2 240	4 481	6 721	8 962	0	100%	2 137	131%		
2.3.3.(3)	Маъмурий харажатлар	13 375	13 375	4 391	8 782	13 172	17 563	0	100%	4 188	131%		
2.3.3.(4)	Экспирит харажатлари	34 596	34 596	18 044	36 089	54 133	72 177	0	100%	37 581	209%		
2.3.3.(5)	Сугурта, солиқ ва бошқа харажатлар	36 023	36 023	11 826	23 652	35 477	47 303	0	100%	11 280	131%		
2.3.3.(6)	Тарнсформация харажатлари			25 000	50 000	75 000	100 000						
2.3.3.(6.1)	ИРО харажатлари					250	500						
2.5.	Судлар ва бошқа активлар бўйича эҳтимолий йўқотишлари қарши захиралар	387 706	387 706	82 797	171 221	252 318	323 217	0	100%	-64 489	83%		
	ЖАМИ ХАРАЖАТЛАР	2 145 709	2 618 360	689 300	1 413 357	2 188 339	2 967 554	472 651	122%	349 194	113%		
	Даромад солиғига бўлган фойда	46 257	46 757	15 783	58 574	119 614	198 149	500	101%	151 392	424%		
2.6.	Фойда солиғини баҳолаш	9 251	9 251	1 941	10 911	23 451	39 630	0	100%	30 378	428%		
	ЖАМИ ХАРАЖАТЛАР (солиқлар билан бирга)	2 628 211	2 627 611	691 241	1 424 267	2 211 790	3 007 184	-600	100%	379 573	114%		
III	СОФ ФОЙДА	37 005	37 559	13 842	47 663	96 163	158 519	554	101%	120 960	422%		

"Микрокредитбанк" акциядорлик-тижорат банкнинг 2022 йил учун баланс кўрсаткичлари

(млн.сўм)

Кўрсаткичлар номи	2021 йил режаси		2022 йил режаси, шу жумладан:					01.01.2022 кутилаётган 2021 режасига нисбатан		2022 режаси 01.01.2022 кутилаётганга нисбатан	
	2	3	1-чорак	1-ярим йиллик	9 ойлик	йиллик	сўм	%	сўм	%	
											4
1	2	3	4	5	6	7	8	9	10	11	
АКТИВЛАР											
1. Кассадати нақд пул ва бошқа тўлов ҳужжатлари	340 077	340 077	329 009	389 425	452 019	468 898	0	100%	128 821	138%	
2. Банкнинг Ўзбекистон Республикаси Марказий Банкдаги (МБ) ҳисобварақлари	291 495	354 495	333 122	325 664	340 653	334 778	63 000	122%	-19 717	94%	
3. Банкнинг бошқа банклардаги ҳисобварақлари	568 307	568 307	616 572	640 830	657 830	609 163	0	100%	40 856	107%	
4. Олди-сотди қимматли қоғозлари	508 000	508 000	508 000	545 000	545 000	545 000	0	0%	37 000	107%	
5. Банк кредит қўйилмаси	10 534 330	10 384 330	10 786 938	11 634 181	12 402 815	12 649 134	-150 000	99%	2 264 804	122%	
6. Инвестициялар	107	107	107	107	107	107	0	100%	0	100%	
7. Асосий воситалар, нетто	223 380	243 380	266 624	308 332	418 279	508 666	20 000	109%	265 286	209%	
8. Бошқа активлар	599 514	674 186	686 180	570 960	475 050	458 142	74 672	112%	-216 044	68%	
ЖАМИ АКТИВЛАР	13 065 210	13 072 881	13 526 552	14 414 497	15 291 753	15 573 887	7 672	100%	2 501 006	119%	
МАЖБУРИЯТЛАР											
1. Талаб қилиб олинунда сақланмаган депозитлар	617 011	617 357	643 191	728 078	783 765	836 028	346	100%	218 671	135%	
2. Муддатли депозитлар	2 351 656	2 352 976	2 578 605	2 710 728	2 836 762	2 982 099	1 320	100%	629 124	127%	
3. Бошқа банкларнинг депозитлари	1 393 810	1 394 593	1 403 410	1 410 758	1 412 228	1 424 976	782	100%	30 383	102%	
4. Олинган кредит ва қарзлар, чиқарилган қимматли қоғозлар	6 202 162	6 205 644	5 098 394	5 725 075	6 367 912	6 373 873	3 481	100%	168 229	103%	
5. Бошқа мажбуриятлар	177 698	177 798	166 621	169 706	172 434	175 903	100	100%	-1 895	99%	
ЖАМИ МАЖБУРИЯТЛАР	10 742 337	10 748 367	9 890 222	10 744 345	11 573 101	11 792 879	6 030	100%	1 044 512	110%	
6. Устав капитали	2 200 368	2 201 604	3 500 368	3 500 368	3 500 368	3 500 368	1 235	100%	1 298 765	159%	
7. Қўшимча капитал	0	0	0	0	0	0	0	0%	0	0%	
8. Заҳира капитали	81 828	81 874	81 828	81 828	81 828	81 828	46	100%	-46	100%	
9. Тақсимланмаган фойда, жами	40 676	41 232	54 134	87 955	136 455	198 811	556	101%	157 579	482%	
<i>жумладан:</i>											
- ўтган йиллар бўйича тақсимланмаган фойда	3 671	3 673	40 292	40 292	40 292	40 292	2	100%	36 619	1097%	
- жорий соф фойда	37 005	37 559	13 842	47 663	96 163	158 519	554	101%	120 960	422%	
Жами капитал	2 322 873	2 335 592	3 636 331	3 670 152	3 718 652	3 781 008	12 719	101%	1 445 416	162%	
ЖАМИ МАЖБУРИЯТЛАР + КАПИТАЛ	13 065 210	13 072 881	13 526 552	14 414 497	15 291 753	15 573 887	7 671	100%	2 501 006	119%	

Т/р	Капитал харажат турлари	2022 йил Режаси		Изоҳ
		Сони	Суммаси	
1	2	3	4	5
1	Янги бинолар куриш	17	110 203	<ul style="list-style-type: none"> <input type="checkbox"/> Қорақалпоғистон Республикаси минтақавий филиали учун тўрт қаватли янги биноси курилиш ишлари давом этаятган бўлиб, ушбу бино 2022 йилда тўлиқ топширилади; <input type="checkbox"/> Андижон вилоят минтақавий филиали қосидани Асака ва Балқичи банк хизматлари марказлари бинолари маънан эскирганлиги сабабли ҳар бир ҳудудда 1 тадан, жами 2 та бино; <input type="checkbox"/> Ромитан филиали янги биносида курилиш ишлари давом этаятган бўлиб, ушбу бино 2022 йилда тўлиқ топширилади; <input type="checkbox"/> Қашқадарь вилоят минтақавий филиали маъмурий биноси маънан эскирганлиги ва кўча ичда жойлашганлиги сабабли шаҳар марказидан янги бино курилади; <input type="checkbox"/> Навоий вилоят минтақавий филиали янги биноси курилиш ишлари давом этаятган бўлиб, ушбу бино 2022 йилда тўлиқ топширилади; <input type="checkbox"/> Қизилтепа филиали маъмурий биноси маънан эскирганлиги ва ичарида жойлашганлиги сабабли аҳоли гавжум ҳудуддан янги бино; <input type="checkbox"/> Самарқанд вилоят минтақавий филиали маъмурий биноси маънан эскирганлиги ва ноқулай жойда жойлашганлиги сабабли аҳоли гавжум ҳудуддан янги бино; <input type="checkbox"/> Учкент филиали биноси маънан эскирганлиги сабабли аҳоли гавжум ҳудуддан янги бино; <input type="checkbox"/> Сирдарё вилоят минтақавий филиали янги биноси курилиш ишлари давом этаятган бўлиб, ушбу бино 2022 йилда тўлиқ топширилади; <input type="checkbox"/> Бобёут филиали янги биноси курилиш ишлари давом этаятган бўлиб, ушбу бино 2022 йилда тўлиқ топширилади; <input type="checkbox"/> Сирдарё филиали маъмурий биноси маънан эскирганлиги сабабли аҳоли гавжум ҳудуддан янги бино <input type="checkbox"/> Келес филиали биноси маънан эскирганлиги сабабли аҳоли гавжум ҳудуддан янги бино; <input type="checkbox"/> Раштон филиали биноси маънан эскирганлиги сабабли аҳоли гавжум ҳудуддан янги бино; <input type="checkbox"/> Қорауел филиали биноси маънан эскирганлиги сабабли аҳоли гавжум ҳудуддан янги бино; <input type="checkbox"/> Бўздан ташқари, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2020 йилнинг 13 октябрдаги ПҚ-4862-сон қарори иқросини таъминлаш, ҳусусан, риксубликанинг ҳар бир ҳудудда банк инфратузилмасини ташкил этиш мақсадида қўшимча 2 та илҳам банк хизматлари маркази биноси куриш режалаштирилган.
2	Биноларни капитал таъмирлаш	26	91 056	<p>Қорақалпоғистон Республикасининг Эпиккальа филиали биноси, Андижон вилояти Пахтаобод банк хизматлари маркази биноси, Андижон вилояти минтақавий филиали биноси, Жиззах вилоят минтақавий филиали биноси, Қашқадарь вилояти Косон, Шаҳрисабз ва Чироқчи филиаллари биноси, Наманган вилояти Жўмашўй, Поп, Чуст филиаллари, Наманган вилоят минтақавий филиали, Чортоқ филиаллар биноси, Самарқанд вилояти Лойиш, Ургут ва Жўма филиаллари, Тошкент вилояти Оқўрғон, Ғазалкент ва Паркент филиаллари, Хоразм вилояти минтақавий филиали ва Ботот ҳамда Хива филиаллари бинолари тўлиқ таъмирланди.</p> <p>Шунингдек, янги ташкил этилиши режалаштирилган банк хизматлари марказлари учун бино топиш ва уларни таъмирлаш ва жиҳозлаш учун 5 та бингога 1 млрд. сўм ажратилиши режалаштирилган.</p>
Жами		43	201 259	
II. Банк жиҳозлари				
1	Хизмат автомашинаси	58	8 700	Банк филиаллар фаолиятини ва иш самарадорлигини ошириш, маънан эскирган (дивититилари, ҳамда қиритиш тизимлар ва бошқа механизмлар) ва операциялар харажатларини кўп талаб қилаётган, ероқсиз ҳолга келиб қолганлиги сабабли, барча туман филиаллари учун 58 та янги хизмат автомашиналари харид қилиш режалаштирилган
2	Офис мебели	3 972	5 990	Янги курилиши режалаштирилган ҳамда капитал таъмирлангани ва қайта жиҳозлангани режалаштирилган бинолар ва бошқа филиаллар учун жами 3 972 та офис мебеллари (стол, стул, ошхона мебеллари), 336 та юмшқ мебеллар жамланмаси, 538 та шкаф, 95 та темир шкаф олиш режалаштирилган.
3	Юмшқ мебеллар	336	1 344	
4	Шкаф	538	2 367	
5	Темир шкаф	95	333	
8	Принтер	438	1 752	
6	Куллер	162	243	
28	Вакум	48	2 880	
7	Детектор	95	475	
14	Пул санаш машинкаси	247	2 964	
9	СЕЙФ	221	332	
10	Банкомат (узқарт)	150	27 000	2021 йилда қисман пули кўчирилган ва бугунги кунга қадар 185 таси етиб келган қолганларининг келиши 2022 йил январ ойида кутилаётган 115 та, жами 300 та банкоматларни 2022 йилнинг 1-чораги давомида асосий воситалар жиҳозламиде акс эттириш белгиланган.
11	Банкомат (хумо)	150	10 500	
12	Терминал (узқарт)	1 000	4 500	Янги жиҳозларни жалб қилиш, мавжуд жиҳозларга берилган бироқ ероқсиз ҳолга келиб қолган терминалларни алмаштириш мақсадида 1000 донга Хумо ҳамда 1000 донга Узқарт терминаллари сотиб олинади.
13	Терминал (хумо)	1 000	2 000	
15	IABS Дастурий мажмуосини учун янги сервер хариди	1	32 400	Банк кузатув Кенгашининг 2022 йил 22 декабрдаги 12-сонли мажлис банени билан Маҳаллий ишлаб чиқарувчилар аниқланмаганлиги инобатта олиниб, банк марказлашган ахборотлар базаси серверларини модернизация қилиш, шунингдек "пост-гарантия" қўллаб-қувватлаш хизматларини кўрсатиш буйича Банк томонидан импорт шартномаси тузилганга рўқсат берилган. 2021 йилда ўтазилган теңдер савдоларида катнашувчилар сонин етарли бўлмаганлиги сабабли 2022 йилда қайта теңдер ўташиш режалаштирилган.
16	Маълумотларни қайта ишлаш маркази	1	2 904	Серверлар учун махсус хона учун тўлов
17	DWH (Data warehouse) маълумотлар базаси	1	10 000	Банк кузатув Кенгашининг 2022 йил 22 декабрдаги 12-сонли мажлис банени билан Маҳаллий ишлаб чиқарувчилар аниқланмаганлиги инобатта олиниб, банк марказлашган ахборотлар базаси серверларини модернизация қилиш, шунингдек "пост-гарантия" қўллаб-қувватлаш хизматларини кўрсатиш буйича Банк томонидан импорт шартномаси тузилганга рўқсат берилган. 2021 йилда ўтазилган теңдер савдоларида катнашувчилар сонин етарли бўлмаганлиги сабабли 2022 йилда қайта теңдер ўташиш режалаштирилган.
18	Виртуал серверлар жамланмаси	1	1 296	Мавжуд серверларни модернизация қилиш
19	UPS- Узлуқсиз электр таъминоти манбааси 80кВт	14	1 960	Филиаллар фаолиятининг узлуқсизлигини таъминлаш, электр энергияси узилган пайтда ҳам иш фаолиятини давом эттирилишини таъминлаш мақсадида 14 та 150 кВтли ва 14 та 100 кВтли Дизель генератор, 80кВтли 14 та ва 60 кВт 14 та UPS- Узлуқсиз электр таъминоти манбааси, 88 та движон сотиб олинади.
20	UPS- Узлуқсиз электр таъминоти манбааси 60 кВт	14	1 190	
21	Дизель генератор 150 кВт	14	2 100	
22	Дизель генератор 100 кВт	14	1 400	
27	Движок	88	880	
23	Камера кузатув туплами	71	700	
24	Телевизор	40	160	
25	Музлатгич	79	316	
26	Кондиционер	307	1 535	Мижозларга қулайлик яратиш, банк биносига келган мижозларга банк махсуслотлари тўрисида мунтазам ахборот бериб борилишини таъминлаш мақсадида 40 та телевизор сотиб олинади, шунингдек 307 та кондиционерлар алмаштирилади.
Жами		9 155	128 220	
III. Номоддий активлар				
1	ИАБС дастурий мажмуосини қўллаб-қувватлаш	1	2 280	ИАБС дастурини қўллаб қувватлаш учун Фидо бизнес МФЧГА тўланадиган йиллик тўлов
2	Серверлар ва ахборотлар коммуникация техникалари қўллаб-қувватлаш	71	10 336	Мавжуд серверларни техник қўллаб қувватлаш ҳамда кафолатлари тугайдиган серверлар учун янги кафолат сотиб олиш
3	UPS-Дизель генератор мажмуосини қўллаб-қувватлаш	1	84	Бош банкда жойлашган UPS-Дизель генератор мажмуаси учун йиллик тўлов
4	Телекоммуникация соҳаси буйича ечимлар (VPN)	71	960	Филиаллараро VPN алоқаси учун йиллик тўлов
Жами		144	13 660	
Жами капитал харажатлар		9 342	343 139	

Пруденциал меъёрларнинг бажарилиши

Пруденциал норматив номи	Марказий банк талаби	01.01.2021 ҳолатига қўйилган	2022 йил режаси			
			1-чорак	2-чорак	3-чорак	4-чорак
			4	5	6	7
1	2	3				
1.1 Капитал етарлилик даражаси	мин 13%	13,6%	20,30%	19,19%	17,88%	17,50%
1.2 Биринчи даражали капитал етарлилиги коэффициенти	мин 10%	13,1%	19,80%	18,69%	17,38%	17,00%
1.3 Асосий биринчи даражали капитал етарлилиги коэффициенти	мин 8%	13,1%	19,70%	18,59%	17,28%	16,90%
1.4 Левераж	мин 8%	14,0%	20,00%	18,89%	17,58%	17,20%
2.1 Ликвидликни қўллаш меъёри коэффициентини (жами)		112,3%	114,7%	109,6%	113,2%	118,4%
2.1.1 Ликвидликни қўллаш меъёри коэффициентини (миллий валютада)	мин 100%	115,3%	118,9%	115,5%	121,0%	128,8%
2.1.2 Ликвидликни қўллаш меъёри коэффициентини (хорижий валютада)		111,2%	116,5%	109,3%	110,3%	111,6%
2.2 Соф барқарор молиялаштириш меъёри коэффициентини (жами)		112,3%	114,7%	113,1%	110,9%	109,4%
2.2.1 Соф барқарор молиялаштириш меъёри коэффициентини (миллий валютада)	мин 100%	115,6%	116,1%	113,2%	110,1%	108,1%
2.2.2 Соф барқарор молиялаштириш меъёри коэффициентини (хорижий валютада)		108,3%	111,8%	113,0%	112,7%	112,0%
3.1 Бир ёки гуруҳ қардорларга бериладиган кредитлар буйича таваккалчиликнинг энг юқори даражаси, таъминотли	макс 25%	18,6%	11,7%	11,6%	11,4%	11,2%
3.2 Банклараро операцияларда бир ёки гуруҳ қардор банклар буйича таваккалчиликнинг энг юқори даражаси	макс 25%	0,9%	0,0%	0,0%	0,0%	0,0%
3.3 Бир ёки гуруҳ қардорлар буйича таъминотсиз активнинг энг юқори даражаси (банклараро операциялар бундан мустасно)	макс 5%	0,0%	0,0%	0,0%	0,0%	0,0%
3.4 Барча йирик таваккалчиликлар жами суммаси	макс 800%	37,2%	16,5%	15,9%	15,7%	15,6%
4.1 Бир эмитент қимматбаҳо қозонларига максимал инвестициялар миқдори	макс 15%	0,0%	0,0%	0,0%	0,0%	0,0%
4.2 Сотишга мўлжалланган қимматли қозонларга қўлинган инвестициялар максимал жами миқдори	макс 25%	0,0%	0,0%	0,0%	0,0%	0,0%
4.3 Барча эмитентлар устас капиталли ва қимматбаҳо қозонларига инвестициялар максимал жами миқдори	макс 50%	0,0%	0,0%	0,0%	0,0%	0,0%
5.1 Банк билан боғлиқ бўлган бир шахс буйича максимал таваккалчилик даражаси	макс 25%	0,1%	0,0%	0,0%	0,0%	0,0%
5.2 Банк билан боғлиқ бўлган барча шахслар буйича жами таваккалчилик даражаси, таъминотли	макс 100%	0,1%	10,0%	10,0%	10,0%	10,0%
6.1 Банкинг кўчмас мулкка жами инвестициялари	макс 100%	0,0%	0,0%	0,0%	0,0%	0,0%